





## РАНГИН ЖИЛОЛАР

Оҳангарон шаҳридаги «Олтин бошқоқча» мактаб-гимназиясида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Ўзбекистон – Ватаним меним» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги барча мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчи-

лари иштирок этишди. Болаларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Дарҳақиқат, шаҳардаги мактабгача таълим муассасаларининг бири-бирдан ақли, зеҳни кичиктойларни чизган расмларни кўриб, завқингиз келади. «Ранглар жилоси», «Ба-

хорой» сайиллари, «Ўзбекистон – Ватаним меним» кўрик-танловлари болаларнинг сеvimли машғулотлари. Улар расм чизиб, қўғирчоққа кийим-кечак тикиш, қўшиқ айтиб, рақс тушишдан ташқари

жисмоний тарбия дарсларида ҳам марок билан иштирок этишади. Яқинда бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича мусобақаларда 82 кичиктой иштирок этди.

Саида ЭШМАТОВА.

СУРАТАРДА: муассасада янбир кеча.

Даврон АХМАД олган суратлар.

## ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ МАКТАБИ

Янгийўл истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти қошида ёш истеъмолчилар мактаби очилди. Унда ишчи ва коллеж ўқувчилари, шунингдек, талабалар ойда бир марта йиғилишади.

– Биз шу йўл билан ёшларга керакли ҳалқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқатларни тўғри танлаш ва сотиб олишлари учун кўмак беришга ҳазм қилдик, – дейди Янгийўл истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Зухра Ҳайдарова. – Яқинда биринчи дарс бўлиб ўтди. Унда болалар «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан танишиб чиқишди. Бир неча йилдан сўнг ҳозирги ўқувчилар ўсиб-улғайгач, уларга ёш истеъмолчи мактабидан олган билимлари, албатта, асқотади.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.



## ЗАВОД ТАЖРИБАСИ


Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати фаолиятида мис қўйиш заводидаги ўрни катта.

Ҳозир заводда йилига 115 минг тонна бирламчи мис ва 147 минг тонна катод миси ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар ички эҳтиёждан ташқари Россия, Туркия, Украина, Греция ва Хи-

той давлатларига экспорт қилинапти.

СУРАТДА: (ўнгдан чапга) уста Неймат Жўраев мис қувчилар Нишонбой Холбоев ва Ойбек Чинтошев билан иш юзасидан суҳбатлашмоқда.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.



## ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қароридан мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган «Ҳуқуқ билимдонлари» танлови катта ҳаёт оstonасида турган ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган.

Танловнинг якуний босқичи Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Унда ҳудудлараро саралаш босқичида голибликни қўлга киритган жамоалар ўзаро куч синаяди. Қашқадарё ҳамда Наманган вилоятларининг жамоалари бош совринни қўлга киритди. Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари – биринчи, Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятлари жамоалари – иккинчи, Фарғона вилояти жамоси – учинчи ўринга лойиқ топилди.

У.А.

## МУТОЛААНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий китоб палатаси, Республика болалар кутубхонаси ҳамкорлигида болалар китобхоналиги ва муталаа маданияти бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги ахборот-ресурс марказларининг му-

тахассислари, ёзувчи ва шоирлар, маънавий тарғибчилари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Конференцияда ёшлар маънавиятини шакллантиришда муталаанинг ўрни, мазкур йўналишда ахборот-ресурс марказларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, болалар китобхоналиги психологияси каби мавзуларда мазкурлар тинг-ланди ва муҳокама этилди.

У.А.

## ТАДБИР

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотларда аёлланинг ўрни беқиёс эканлигини инкор этиб бўлмайди. Зеро, аёл – жамиятнинг энг қуйи, аммо асосий бўғини бўлиши оила ҳимоячиси, ёш авлод тарбиячиси.

## АЁЛ –

## ЖАМИЯТДА ЕТАКЧИ КУЧ

Уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирокини кафолатлаш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишда Халқ демократик партияси вилоят кенгаши «Фаол аёллар қаноти» сезиларли ютуқларга эришмоқда.

«Фаол аёллар қаноти»нинг «Демократик жамият»нинг барпо этишда хотин-қизларнинг роли» мавзусидаги II конференциясида шу ҳақда сўз борди. Тадбирда сўзга чиққанлар «Фаол аёллар қаноти»нинг партия кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий элитага шакллантириш борасидаги ўрнига тегишли баҳо беришди. ХДПга аъзо хотин-қизлар орасидан салоҳиятли етакчиларни аниқлаш, келгуси сайлов кампанияларида депутатликка номзод этиб қўриштириш учун уларнинг сиёсий, фуқаролик ва ҳуқуқий тарбияси ҳамда профессионал тайёргарлигини ошириш мақсадида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, бу йўналишда маҳаллалар билан амалий ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир якунида «Фаол аёллар қаноти»нинг хотин-қизлар интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган наватбадга вазифалари белгилаб олинди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

## БАНДЛИК

## ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг молиявий-иқтисодий инкирозга қарши чоралар дастурида аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш фаровонлигини юксалтириш масаласига алоҳида ўрин берилган.

Мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқларида янги иш ўринлари яратилди. Ўтган йили қилинган амалий ишлар натижасида 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Шундан 500 мингга яқини қишлоқ жойларда очилди. Кичик бизнес ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида эса, 660 мингдан зиёд иш ўринлари барпо этилди.

Аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга эришилмоқда. Яратилаётган янги иш ўринларининг асосий қисми, яъни, 53,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Қишлоқ фуқаролари учун юридик шахс сифатида фаолият юритаётган фермер ҳўжаликларида паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, иссиқхона тармоқларини ташкил этиш бўлиб, сутни қайта ишлайдиган корхона-

лар фаолиятини йўлга қўйиш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Қишлоқда турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудуд қишлоқларини ўзгартириш, қишлоқ жойларидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бу йўналишда ҳозир республиканинг бир қанча вилоят ва туманларида янги уй-жойлар қурилиши бошланди.

2009 йилда бандликка қўмаклашиш марказларига мурожаат этган 658,2 минг аҳолидан 566,3 минг нафар ёки 86 фоизи иш билан таъминланди. 2010 йилда Фарғона водийси вилоятларида 240,1, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида 107,3, Сирдарё, Жиззах вилоятларида 81,4, пойтахт вилоятида 165,9, Самарқанд вилоятида 92, Бухоро ва Навоий вилоятларида 113,3 мингдан ортиқ иш ўринларини барпо этиш режалаштирилган.

Жамшид АБДУЛЛОВ, ДИУ талабаси.

## НИГОҲ

2009 йилнинг алоҳида жиҳатларидан бири шу бўлиди, халқаро молиявий инкироз дунёдаги маманан деган бой мамлакатларни ҳам яхшигина сиқитиб ўтди. Мана энди бу иқтисодий тўлқин орқага жила бошлаган пайтда аҳволга жиҳдий назар ташлаб, инкироз кимга қанча таъсир ўтказгани ва бўҳрондан олдинги вазиятга ким, қачон, қандай қилиб қайтишини чамалаб кўрс бўлади.

Тожикистон ҳам молиявий инкироздан четда қолгани йўқ, албатта. Мамлакат раҳбарлари бу хавфга яхши эътибор бермай, олдиндан тайёргарлик чорасини кўришмади. Молиявий бўҳрон Тожикистоннинг қўلاق иқтисодиётини четлаб ўтишга умид боғлашди. Ўрмонга ўт кетса, ўғул қуруқ баравар ёнишини ўйламаган амалдорларнинг қалбақчилиги кимматга тушди. Аввалгига ваҳима кўтариб, иқтисодиёт бўлиқнинг инкирозига сезмай қолган ношуд вазирларини ланглатилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози аслида Тожикистон мисолида битта саволга эътирозга ўрин қолдирмайдиган қилиб, тўлиқ жавоб берди. Мамлакат фуқаролари афсуснадоматлар билан эътироф этмоқдаки, Имомали Раҳмон ўрнатган тартиб остида ўтган бутун давр, орта қайтариб бўлимайдиган, беҳуда кетган йилларга айланди. Бу факат менинггина ҳолис кузатувчи сифатидаги фикрим эмас, балки расмий маъмурларга ҳушонад қилмайдиган, ўз қарашларига эга бўлган ва буни яширмай, баралла айтишдан қўрмайдиган маҳаллий ақлзаковатли кишиларнинг баҳоси ҳамдир. Уларнинг фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Чунки, миллионлаб тожиклар қашшоқлик оstonасида яшап-тилар. Улар бугун бўлмаса, эртага мамлакатда ишлар юришиб кетишига, демак, улар ҳам одамларга ўхшаб яшайдиган кўнлар келишига умид боғланлар. Лекин, афсуски,

## ТАШҚИ ҚАРЗ ГИРДОБИ

ҳақиқий аҳволдан бошқача ҳолга келиб чиқаяпти. Имомали Раҳмон раҳбарлигида ўтган 17 йил бемақсад йўқотилган вақт ва мамлакат аҳолисининг ақсариёт кўпчилиги учун рўйбга чиқмаган умидлар йили бўлди. Бирок, кимга аза, кимга тўй деганларидек, бу йиллар бир тўла ҳушомадгўйлар ҳамда Имомали Раҳмоннинг уруғ-аймоқлари охиридан тамадди қилишга руҳсат этилганлар учун тўкин-сочинлик, тўқилма шўхлик даврига айланди.

Хулоса шуки, Имомали Раҳмон тузумини танқид қилаётганлар юз фоиз ҳақ. Ў ўтган йиллар давомида ҳақиқий ислохотлар ў ёқда турсин, ҳатто, иқтисодий-иқтисодий ўзгариш учун ҳам дурустроқ замин яратилмади. 5-6-синф ўқувчиларининг фикри-ёди илм олиш ва келажақда бирорта муҳим қарз касб эгаси бўлиш эмас, балки чет элга чиқиб кетишнинг иложини топиш билан банд бўлса, иқтисодий тараққиёт ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Аҳолининг 20 фоизи шундоқ ҳам ўзга юртларда ишляпти ва раҳмонча

2009 йили, расмий хабарларга қараганда, 36 киши ўз жонига қасд қилиб, ҳаётдан бевақ кетди. Бир йил аввал эса, Раҳмон «жаннати»дан тўйганлар уч баравар кам, яъни 12 киши эди.

Мамлакат ташқи қарзлар ботқоқига ботиб бораёпти. Экспортдан келаётган тушум ўтган йили икки баравар каммайд. Солиқдан бюджетга тушум 30 фоиз қисқарди. Бюджет харажатлари Хитой берган қарз ва Жаҳон банк кредити ҳисобига аранг қопланди. Халқаро молия институтларининг эътирофи эътиҳа, чет элга кетиб ишляётганларнинг пул жўнатмаларигина мамлакат аҳолисининг ёппасига қашшоқлашувидан асраб турибди.

Кредит бераётган халқаро молия институтлари қўпича, қарз олувчининг тўлов қобилиятини аниқлаш учун халқаро аудит ўтказишни талаб қилади. Таниқли «Эрнест энд Янг» фирмаси Тожикистон Миллий банки аҳолини ўрганиш мақсадида ўтказган сўнги текширув жанжал билан тугади. Маълум бўлишича, захи-

рада турган 320 миллиондан зиёд АҚШ доллари қишлоқ ҳўжалигини молиялашга сарфлаб юборилибди. Сир эмаски, мамлакатнинг асосий банки улзусиз маблағлар ажратиш тўғрисида, аммо бу пуллар нилмаларга сарфлангани ва самараси қандай бўлгани но-

гад турган 320 миллиондан зиёд АҚШ доллари қишлоқ ҳўжалигини молиялашга сарфлаб юборилибди. Сир эмаски, мамлакатнинг асосий банки улзусиз маблағлар ажратиш тўғрисида, аммо бу пуллар нилмаларга сарфлангани ва самараси қандай бўлгани но-

маълум бўлиб қолаверди. Ҳа, халқаро аудитнинг юқори мансабли амалдорлар давлат маблағларини ўғирлаб борган яна битта канални фоз этгани беҳиз эмас.

Ҳа, халқаро аудитнинг юқори мансабли амалдорлар давлат маблағларини ўғирлаб борган яна битта канални фоз этгани беҳиз эмас.

ди борлигидан қатъи назар, қурилатган Роғун ГЭСининг 690 АҚШ долларлик акцияларини сотиб олиш шартлиги ҳақидаги қарорнинг тайин-таъсир қандай? Табиийки, расмий оммавий ахборот воситалари умумхалқ ватанпарварлиги ва жамият барча табақалари бу қимматбаҳо қорозларни тезроқ сотиб олиш «ишқиди ёнаётгани» ҳақида қўптириб жас соляпти. Маҳаллий мутахассислар мукамал муҳомада қилиб, инвестиция киритиш иштиёқини ошириш ва келажақда дивиденд олиш кафолатланганга ишонтиришга қаратилган янги-янги қонуний актиларни президентга тасвия етатишлар.

Бирок, чет эллик экспертларнинг инвестиция киритиш мақбўл ёки номақбўлиги ҳақидаги фикрлари эълоб қилинмапти. Амалдорлар президентнинг хоҳишини баҳаришга астойдил киришиб, талаба, ишчи ва тадбиркорларнинг пешона тери билан топган маблағларини давлат раҳбарининг ўз манфаати қўлаган режалари йўлига сарфлашга мажбур қилаётганлари ошкор этилмаяпти. Амалдорлар ў ёки бу табақа фуқароларидан, тадбиркорлик тузилмаларидан қанча пул тўлашлари мумкинлигини ҳисоблаб чиқиб, юқорига ахборот беришга ҳам улғурдилар.

Уларнинг фикрича, фақат муҳолифат лагерига мансуб Ватан «хоинлари»гина сувни лойқатадилар. Буни тушуниш мумкин. Чунки, муҳолифатчилар президент «шанбаилиги»га бундай қаллоблик йўли билан аҳоли пулини шилиш усулини Имомали Раҳмон илгари ҳам, аниқ айтилган бўлса, 1-Сангтўда ГЭСи қурилишида қўлаганлигини эслатмоқдалар. Мана, станция ишляпти, аммо овар инвесторларнинг моддий фаровонлиги ошгани ҳақида лом-мим дейилмади. (Центр Азия).

## ТААССУРОТ

ГАЗЕТА МАЖБУРАН  
ЎҚИМАЙДИ

Илгари хабар берганимиздек, пойтахтимизда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳасини ўтказди. Бир ҳафта давом этган тадбирда Тошкент ва Сирдарё вилоятлари босма нашрларида меҳнат қилаётган ёш ижодкорлар қатнашди.

Қуйида ушбу тадбир ҳамда пойтахтга сайхат таассуротлари ҳусусида вилоятимиз вакилларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Умида ХАЙДАРОВА,  
"Оҳангарон" газетаси муҳбири:

Анчадан буйён Тошкент шаҳрига келмагандим. Бу ердаги ўзгаришлардан хайратга тушдим. Замонавий муҳташам бинолар, кенг, ямояшил хиббону сайилгоҳлар пойтахтга жаҳонга машҳур шахарлардан қолмайдиган қиёфа бахш этди. Айниқса, Амир Темури хиббонидagi янгиликлар мени жуда қувонтирди. Шундай юрт фарзанди бўлганимдан, озод ва обод Ўзбекистон келажаги учун мен ҳам дахлдор эканлигимдан фخرланам.

Дастур доирасида қўллаб

давлат ва жамоат ташкилотларида бўлди. Хусусан, юртимизнинг марказий нашрлари жойлашган матбуотчилар уйида бўлиб, у ердаги газет ва журналлар фаолияти билан танишдик. Уларнинг тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қилдик. "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Маърифат", "Хуррият", "Туркистон" ва бошқа қатор етакчи газеталарда бўлиб, муҳбирларнинг кундалик фаолияти, саҳифалаш жараёнини яқиндан кузатдик.

Камола УМАРАЛИЕВА,  
"Олмалиқ ҳақиқати" газетаси муҳбири:

Ўзим шаҳар газетаси муҳбири бўлганим, шунингдек, ҳали етарли тажрибага эга эмаслигим сабаб газета ва журналлардаги ташкилий ҳамда ижодий жараёнларни мукамаллаштириш масалаларига кўпроқ қизиқдим. Хусусан, марказий нашрларда ёритиб борилаётган мавзулар, ўқувчини жалб этиш

учун қўлланаётган янгича усуллар, реклама масалалари диққат марказида бўлди.

Шунингдек, тахририятни керакли, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ҳусусида ҳам фикрлашдим. Хуллас, пойтахтдан бир дунё таассурот ва тажриба билан қайтдик.

Абдуғани ЮНУСОВ,  
"Суръат-Каркин" газетаси муҳбири:

"Жамият" газетаси жамоаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашиб, суҳбатлашганимизда давлат ва жамият бошқарувида оид қўллаб-янгилар билан танишдик, фойдала фикр-мулоҳазаларини тингладик. Айниқса, тажрибали, ҳаётнинг пасту баландини кўрган, иқтидорли, эл назарида тушган журналистлар билан ижодий учрашувлар менда катта таассурот қолдирди.

Бир учрашувда "Қишлоқ

ҳаёти" газетаси бош муҳбири, таниқли журналисти Юри Латипов шундай деди: "Бугун матбуотни, айниқса, газетани зўрлаб ўқитиб бўлмайди. Ўқувчи кўнглини топа билиш, уни қизиқтирган мавзу ҳақида сўз айтган наشريга яшаб кета олади. Бунинг учун эса журналист халқ ичига кириб бориши, унинг ўй-хаёллари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқиши лозим". Назаримда бугун биз журналистларда ана шу нарсаси етишмаётгандек.

Жавлонбек ЭСОНОВ,  
"Бекобод овози" газетаси муҳбири:

Бир ҳафталик тадбир кўнглимиздаги ташкил этилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Хусусан, иштирокчиларнинг яшаётган тартиб, кўнгли ҳаракатлари ҳам оқилона ҳал этилган.

Ҳафта давомида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида яшадик. Бу масканнинг шу да-

ражада яшаб кетганлигини тасаввур қилмагандим. Талабаларнинг яшаш шароитлари, улар учун яратилган имкониятларга ҳавасим келди. Бунинг учун эса журналист халқ ичига кириб бориши, унинг ўй-хаёллари, фикр-мулоҳазалари билан қизиқиши лозим". Назаримда бугун биз журналистларда ана шу нарсаси етишмаётгандек.

Ватанимизда ёшларга кўрсатилаётган бундай катта эътибор албатта, келажақда ўз мевасини беради.

Фарход МУҲАММАДИЕВ,  
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бош мутахассиси:

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган қириш, яратил, модернизациялаш ва ислохотлар жараёнининг самараси муйян даражада оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам боғлиқдир. Мамлакатимиз Президентининг "Ўқсак маънавият – энгилмас куч" асариде таъкидланганидек, "Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли қўлга айланди, ки ўз келажигани ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат бундан сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас. Шу сабабли ҳам оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини қўчайтириш биз учун энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолмади."

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бу мақсадлар йўлида қатор дастур ҳамда лойиҳаларни амалга оширмоқда. Тахриратларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, журналистлар малакасини ошириш ва ёш журналистлар тайёрлаш, талаба-журналистларнинг амалий билим-қўникмаларини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар анъана тусини олмақда.

Ёш журналистларнинг республика етакчи тахриратларида малака ошириш лойиҳаси иштирокчилари "Халқ сўзи" – "Народное слово", "Қишлоқ ҳаёти", "Ўзбекистон овози", "Голос Ўзбекистана", "XXI аср", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Хуррият", "Туркистон", "Молодежь Ўзбекистана", "Мохиат", "Жамият", "Маърифат", "Учитель Ўзбекистана", "Ойла ва жамият" газеталари, "Уза", "Туркистон пресс" ахборот агентликлари ва "UzReport.com" интернет-порт-

тали тахриратларида амалиёт ўтаб, ўз тажриба ва қўникмаларини оширдилар. Яна шуни айтиш керакки, марказий нашрларда олиб бориладиган амалиёт давомида журналистлар босма нашрлар фаолиятида ҳар бир жараёнда бевосита иштирок этишди. Натижада журналистлар пойтахт босма оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги энг долзарб, замонавий ва муйян маънода, тугал шаклланган ижодий ёндашувларни ўргандилар. Бу жараёнларнинг мамлакат миқёсида оммалашувида маъруз лойиҳанинг аҳамияти беқисс.

Бундан ташқари, улар ҳафта давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тихорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон миллий университети ҳамда Ўзбекистон жаҳон тиллари университети журналистлари факультетларида ўқитилган учрашув ва давра суҳбатларида иштирок этишди.

Дарҳақиқат, бу лойиҳа маҳаллий ёш журналистларга миллий ўзгичилигини аниқлаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимизга етакчи борасида оммавий ахборот воситалари олдига турган долзарб вазифаларни амалга ошириш бўйича марказий нашрлар тажрибасини ўрганиб, ҳудудий оммавий ахборот воситаларида оммалаштиришлари, минтақавий нашрлар фаолиятини замонавий журналистика меъёри асосида такомиллаштиришга ҳисса қўиш ва орттирган тажрибаларини ҳаммасла-ри билан ўртоқлашиш имкониятини яратди.

## КИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

Яқинда зангиоталик фермерлардан бири чорва ҳўжалигига зотдор қорамоллар олиб келди. Келтирилган бўғоз сиғирларнинг шу ерда қўзи ёриди. Натижада ҳўжа-лика сут соғиб олиш ҳажми анча кўпайди. Бу ёғини сўрасангиз, бундай махсўлдор моллар бирор хорижий мамлакатдан эмас, Тошкент туманидаги "Роҳатой" фермер ҳўжалигидан келтирилганди.

Наслчиликка ихтисослашган "Роҳатой" фермер ҳўжалигининг чорвачилик фермасида айни кунда ана шундай 350 бошдан кўпроқ зотдор моллар парваришланмоқ-да. Шундан 130 таси соғин ситир.

Ҳўкуматимиз томонидан юрти-мизда чорвачиликни ривожланти-риш, наслдор қорамоллар сонини кўпайтириш мақсадида ишлаб чи-қилган аниқ чора-тадбирлар асо-сида фермер ҳўжалигига 2008 йил Хитойдан зотдор, махсўлдор си-ғирлар келтирилди. Орадан қарийб 3 йил вақт ўтди. Бугун ана шу си-ғирлардан туғилган наслдор бўғоз-лар ён атрофдаги чорва ҳўжалик-ларига тарқаб улгурди ва "Роҳа-той"нинг довриги узоқ-яқинга та-ралди.

– Дастлаб бу ишга қўл ураёт-ганимизда бироз чўчигандим, – дейди камтарлик билан фермер Жўра Маҳаматов. – Чўки, бундай катта ҳўжаликни бошқариш, айниқ-са, наслчиликка ихтисослашган ферма фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, ундан қўтилган самарага эришиш ҳар қандай ўзига ишон-ган чорвадорни ҳам ўйлантириб қўйиши табиий.

Жўра фермернинг чорвачилик-да орттирган кўп йиллик тажриба-си ана шу жойда қўл келди. Нати-жа қўтилгандек бўлди. Айни кун-да сиғирларнинг ҳар биридан кун-ига ўртача 17-18 литрдан сут соғиб олинмоқда. Утган йили ҳўжа-ликда жами 499 тонна сут тайёр-ланган эди, бу йилги кўрсаткич утган йилнинг шу даврига нисба-тан 6 тоннага кўп бўлди. Қайта иш-лаш шехлари шартнома асосида ҳар литр сут учун 750 сўмдан ҳақ тўламақда. Бу эса ҳар қўни ҳўжа-лик ҳисобига 1 миллион сўмдан зиёд маблағ туשאпти, дегани.

Иш тўғри йўлга қўйилса, нати-жаси самарали бўлавераркан. Ҳўжалик Хитойдан зотдор сиғир-



## У – ҲАҚИҚИЙ ЧОРВАДОР

Тошкент туманидаги "Роҳатой" фермер ҳўжалиги раҳбари Жўраови Маҳаматовни билганлар бир сўз билан шундай дейишади. Бунинг боиси бор, албатта.

ларни харид қилаётганда давлат-дан 388 миллион сўм имтиёзли кредит олганди. Бугунгача ушбу маблағнинг қарийб 100 миллион сўми қайтарилди.

Бундан ташқари, кўрилаётган даромад ҳисобидан ҳўжаликнинг техник негизини мустаҳкамлашга ҳам эришилди. Хусусан, 2 та МТЗ-80, "Беларус" русумли трактор ҳамда 2 та ўрим агрегати харид қилинди.

– Чорвани тушуган одам, унинг турган-битгани ҳазина эканини ҳисси билади, – дейди фермер. – Сўтини, гўштини сотамиз, ҳатто гўнги ҳам фойда. Эрта кўламда фермаимизда йилгилан гўнги ма-ҳаллий ўғит сифатида ҳўжалигимиз

ерларига чикардик. Шу боис озуқа экинларининг ривожини ҳам кўнгли-дагидек.

Дарвоқе, ҳўжалик ҳисобидаги 100 гектар ернинг 33,5 гектарига оралик экинлар экилди. Барқ уриб ўсган беда навбати билан ўриб, молларга берилди бошланди. Бун-дан ташқари, силос учун макка-жўҳори ҳамда 5 гектар ерга озуқа-кабоп лавлага экилди. Бу йил қўш мавсумига 800 тонна силос фам-лаш режалаштирилган. Шунингдек, молларга ҳар ойда 40 тоннадан зиёд омухта ем берилди.

Ҳўжаликда соғин ситирлар со-нини кўпайтириш, улар зотини янада яхшилаш мақсадида нас-лчилик институти билан яқин ҳам-

корлик қилинмоқда. Ҳўжалик қара-моғидаги ҳар бир қорамол инсти-тут томонидан тузилган махсус комиссия назоратида. Утган йили сиғирлардан 112 бош бўғоз оли-нди. Улар ҳозир қатъий назорат ва алоҳида парваришда.

– Ҳар қандай яхши ғунажин ҳам яхши сиғир бўлавермайди, – дей-ди фермер ўз қўзутиларига тая-ниб. – Агар уни эътибор билан парваришламасангиз ва энг асо-сийси, тирик вазни меъерига ет-май қочирилса, қўтилган натижа-ни бермайди. Ғунажиннинг тирик вазни 350-400 килограмм бўлган-да у воёга етган ва организми туғиш учун тайёр бўлади.

Албатта, бунда озуқа рацони

## "Республика Қўчас мулк биржаси" ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

Аукцион савдосига такроран Тошкент тумани СИБ томонидан қўйиладиган автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент тумани "Матбуотсавдо" МЧЖ омбори-да сақланган: 1. "Авиа А-31" русумли, д/р 112641 бўлган, 1988 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №10291). Бошлангич баҳоси - 3 381 788 сўм. 2. "Газ-69" русумли, д/р 112344 бўлган, 1961 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №10230). Бошлангич баҳоси - 698 467 сўм. 3. "Газ-24" русумли, д/р 10А0582 бўлган, 1974 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9403). Бошлангич баҳоси - 1 105 650,90 сўм. 4. "Газ-24" русумли, д/р 30R7630 бўлган, 1978 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9869). Бошлангич баҳоси - 509 467,50 сўм. 5. "Газ-33970" русумли, д/р 11М0768 бўлган, 1996 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9280). Бошлангич баҳоси - 1 097 701 сўм. 6. "УАЗ-451" русумли, д/р 11R0403 бўлган, 1977 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №7289). Бошлангич баҳоси - 983 814 сўм. 7. "УАЗ-31512" русумли, д/р 11Q2538 бўлган, 1988 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №6530). Бошлангич баҳоси - 321 141 сўм. 8. "УАЗ-452" русумли, д/р 11U4315 бўлган, 1976 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №6529). Бошлангич баҳоси - 2 059 822 сўм. 9. "УАЗ-396201" русумли, д/р 30C8069 бўлган, 1986 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №7056). Бошлангич баҳоси - 3 360 324 сўм. 10. "УАЗ-3151201" русумли, д/р 11E3656 бўлган, 1990 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №5970). Бошлангич баҳоси - 1 095 305 сўм. 11. "УАЗ-3303" русумли, д/р 11X9709 бўлган, 1989 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9281). Бошлангич баҳоси - 1 046 933 сўм. 12. "УАЗ-452" русумли, д/р 30S5374 бўлган, 1984 йилда и/ч ав-томобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.02.09, №5980). Бошлангич баҳоси - 2 219 990 сўм. 13. "УАЗ-2106" русумли, д/р 11S6525 бўлган, 1989 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.01.09, №4134). Бошлангич баҳоси - 2 576 183 сўм.

11. Тошкент тумани "Бўрхонсавдо" МЧЖ омбори-да сақланган: 14. "ИЖ-2125" русумли, д/р 11T0899 бўлган, 1988 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №10167). Бошлангич баҳоси - 903 119 сўм. 15. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11N1980 бўлган, 1977 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №11938). Бошлангич баҳоси - 997 764 сўм. 16. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11V3980 бўлган, 1977 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №11939). Бошлангич баҳоси - 1 161 024 сўм. 17. "Пежо-405" русумли, д/р B493VCM бўлган, 1995 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №14205). Бошлангич баҳоси - 5 697 232 сўм. 18. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11J4291 бўлган, 1979 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №13655). Бошлангич баҳоси - 1 290 027 сўм. 19. "ГАЗ-2401" русумли, д/р 01X687BA бўлган, 1981 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №14201). Бошлангич баҳоси - 850 468 сўм. 20. "М-2140" русумли, д/р 30S1536 бўлган, 1984 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №12469). Бошлангич баҳоси - 490 219 сўм. 21. "УАЗ-452" русумли, д/р аниқланмаган, и/ч йили ноаниқ автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №14088). Бошлангич баҳоси - 1 116 757 сўм.

III. Тошкент тумани "Қўч-терак Матбуот Инвест" МЧЖ омборида сақланган: 22. "ИЖ-271501" русум-ли, д/р 10K714AA бўлган, 1979 йилда и/ч автомобил-порт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №10229). Бошлангич баҳоси - 903 120 сўм. 23. "ГАЗ-968М" ру-сумли, д/р 11Q2742 бўлган, 1984 йилда и/ч автопан-спорт воситаси (ижро ҳужжати 05.09.09, №12626). Бошлангич баҳоси - 221 570 сўм. 24. "Камаз-35320" русумли, д/р 11V0039 бўлган, 1987 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №10020). Бошлангич баҳоси - 14 801 892 сўм. 25. "Мотошик", д/р/сиз, и/ч йили номаълум (ижро ҳуж-жати 26.01.2010, №10872). Бошлангич баҳоси - 231 736 сўм. 26. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11V0791 бўлган, 1981 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжа-ти 20.05.09). Бошлангич баҳоси - 623 921 сўм. 27. "ГАЗ-968" русумли, д/р/сиз, 1986 йилда и/ч автопан-спорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9282).

Бошлангич баҳоси - 288 728 сўм. 28. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11T5564 бўлган, 1988 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9870). Бошлангич баҳоси - 770 540 сўм. 29. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11Q2735 бўлган, 1983 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9873). Бошлангич баҳоси - 838 680 сўм. 30. "Урал" русумли, д/р/сиз, и/ч номаълум мотоцикл (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9479). Бошлангич баҳоси - 91 481 сўм. 31. "Ваз-2101" русумли, д/р 30M6227 бўлган, 1986 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9871). Бошлангич баҳоси - 1 687 177 сўм. 32. "ГАЗ-24" русумли, д/р 11M9162 бўлган, 1981 йилда и/ч ав-томобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №6677). Бошлангич баҳоси - 571 865,40 сўм. 33. "УАЗ-469" русумли, д/р 11Q5189 бўлган, 1981 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.07.09, №11708). Бошлангич баҳоси - 634 938 сўм. 34. "ВАЗ-2102" русумли, д/р 11Y7240 бўлган, 1973 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 27.07.09, №11713). Бошлангич баҳоси - 1 463 188 сўм. 35. "М-2715 ИЖ" русумли, д/р 10J185AA бўлган, 1990 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.08.09, №5807). Бошлангич баҳоси - 792 179 сўм. 36. "УАЗ-452" русумли, д/р бўлмаган, и/ч йили номаълум авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №12583). Бошлангич баҳоси - 1 164 718 сўм. 37. "ГАЗ-24" русумли, д/р 20N6692 бўлган, 1984 йилда и/ч ав-томобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №2585). Бошлангич баҳоси - 291 600 сўм. 38. "Уаз-469" русумли, д/р 11Q2417 бўлган, 1975 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №6703). Бошлангич баҳоси - 491 762,70 сўм. 39. "Уаз-3151201" русумли, д/р 11W7108 бўлган, 1987 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №7180). Бошлангич баҳоси - 1 090 032,30 сўм. 40. "Ваз-2102" русумли, д/р 11O1082 бўлган, 1977 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №7523). Бошлангич баҳоси - 524 880 сўм. 41. "УАЗ-452Д" русумли, д/р 30I3106 бўлган, 1984 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №9385). Бошлангич баҳоси - 609 552 сўм. 42. "Заз-968" русумли, д/р J1898TSH бўлган, 1989 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №7948). Бошлангич баҳоси - 139 921 сўм. 43. "Уаз-3151201" русумли, д/р 11X1022 бўлган, 1988 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №6704). Бошлангич баҳоси - 553 540 сўм. 44. "УАЗ-452" русумли, д/р 10I2019 бўлган, 1979 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 13.06.09, №5813). Бошлангич баҳоси - 524 880 сўм. 45. "ГАЗ-24" русумли, д/р 30L4851 бўлган, 1984 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.01.2010, №4718). Бошлангич баҳоси - 414 720 сўм. 46. "Уаз-969" русумли, д/р 11S0543 бўлган, 1983 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.11.09, №14197). Бошлангич баҳоси - 618 022 сўм. 47. "УАЗ-469" русумли, д/р/сиз, и/ч йили номаълум автопан-спорт воситаси (ижро ҳужжати 15.12.09, №15299). Бош-лангич баҳоси - 667 304 сўм. 48. "УАЗ-452Д" русумли, д/р 10Y0367 бўлган, 1978 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 18.12.09, №15409). Бошлангич баҳоси - 2 653 944 сўм. 49. "ВАЗ-2111" русумли, д/р 11S5572 бўлган, 1977 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 20.10.09, №13651). Бошлангич баҳоси - 1 377 287 сўм. 50. "Камаз-53212" русумли, д/р 30V7200 бўлган, 1988 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.10.09, №14105). Бошлангич баҳоси - 21 449 094 сўм. 51. "Камаз-53212" русум-ли, д/р 30Y6049 бўлган, 1979 йилда и/ч автомобилотран-спорт воситаси (ижро ҳужжати 26.10.09, №14106). Бошлангич баҳоси - 18 465 095 сўм. 52. "ГАЗ-24" русумли, д/р 30E4651 бўлган, 1983 йилда и/ч автомобилотран-спорт воситаси (ижро ҳужжати 26.10.09, №6460). Бошлангич баҳоси - 1 504 344 сўм. 53. "УАЗ-469" русумли, д/р 30E5083 бўлган, 1975 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 05.09.09, №12625). Бошлангич баҳоси - 729 149 сўм. 54. "ВАЗ-2106" русумли, д/р 11S0372 бўлган, 1984 йилда и/ч автомобилотранспорт восита-си (ижро ҳужжати 01.04.09, №6705). Бошлангич баҳоси - 1 961 854 сўм. 55. "ИЖ-21251" русумли, д/р 11E3604 бўлган, 1984 йилда и/ч автомобилотранспорт воси-таси (ижро ҳужжати 23.07.09, №11608). Бошлангич баҳоси - 1 608 282 сўм. 56. "М-2141" русумли, д/р 11Y5378 бўлган, 1990 йилда и/ч автомобилотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 17.02.08, №7278). Бошлангич ба

## ★ Спорт ★ ★ Спорт ★ ★ Спорт ★ УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича тўртинчи "Умумармия ўйинлари" бошланди. 7 майгача давом этадиган ушбу тадбирда жамоалар ҳарбий учқураш, офицерлар учқураш, кураш, кўпкураш, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол, сузиш, стол тенниси ва бокс бўйича ўзаро куч сынашади.

Чирчиқдаги Олимпия заҳиралари спорт коллежидида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу мусобабот билан бу ерга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, спортчилар йиғилди.

Байрамона безатилган мажмуага мусобақа катнашчилари кириб қолади. Давлатимиз байроғи ва "Умумармия ўйинлари" байроғи кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг бирин-

чи ўринбосари – Қуролли Қўчалар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор Б. Тошматов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни, жумладан, ҳарбийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Пеккин Олимпиадасининг дзюдо бўйича бронза медали соҳиби лейтенант Ришод Собиров ва трамполиндан сакраш бўйича жаҳон чемпиони Анна Сафкина "Умумармия ўйинлари"

машғаласини ёқди.

Илк бор 2004 йилда ташкил этилган ва ҳар икки йилда ўтказиш аънаъига айланган "Умумармия ўйинлари" ҳарбийларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жанговар шайлини ошириш ва ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавий спортни тарғиб этишни кучайтиришга қаратилган тегишли қарорлари ижросини таъминлаш доирасида ўтказилаётган бу галги мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қилинди. Беллашувлари республика ва халқаро тоифадаги ҳакамлар бошқариб боради.

Ҳолмурод САЛИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

## ЯНА УЧ ЙЎЛЛАНМА

Боқу шахрида бокс бўйича 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ярим финалга етиб келган уч боксчимиз – Зоҳир Хўрбоев, Аҳмаджон Мамажонов ва Сардор Бегалиев жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ўсмирлар ўртасида бўлаётган I Олимпия ўйинларига йўлланма олади.

Ҳал қилувчи паллага кирган мазкур чемпионатда ҳамюртимиз Аҳмаджон Мамажонов чорак финалда қозғистонлик Жонибек Олимжонни, ярим финалда эса қирғизистонлик Ислам Далибоевни мағлубиятга учратди. Энди ҳамюртимиз жаҳон чемпионлиги учун ўтказилаётган сўнги жангда бразилиялик Давид Лоуренсо да Қошта билан рақобатлашади.

Осиё чемпионати совриндори Сардор Бегалиев мусобақанинг чорак финалида ҳиндистонлик Сумит Сангвандан, ярим финалда туркиялик Бурак Аксиндан устун келди. Энди у олтин медалга эришган бўлиб, бахода қубалик Ирсони Дувергер Авилесга қарши рингга чиқади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

## ИССИҚХОНА ҚУРГАНИ ЯХШИ, БИРОҚ...

Юртимизда тadbиркорликка кенг йўл очилган. Ҳаракат қилсанг, ҳар бир ишинг ҳақолиққа асосланса бас. Қўнғир ишининг эса, бир кун келиб лиси чиқиши мўқаррар.

Зангиота туманидаги Туркистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Алимбува" маҳалласида истиқомат қилаётган М. Обиджон деҳқончилик билан шуғулланади. У ўзига тегишли томорқа ҳўжалигидан олинган даромад чўғини ошириш мақсадида 2009 йилнинг қузида ўн сотих ерга иссиқхона қурди ва помидор қўчатлари парвартишни бошлаб юборди. Лекин аҳоли ис-

теъмолидаги табиий газдан иссиқхона учун фойдаланишда туман газ идорасидан рухсат олиниши "унутди". Ўзбошимчилик билан иссиқхонага иситиш қозонини ўрнатиб, текин газни гуриллатиб ёқарди.

Орадан икки ой ўтиб, "Зангиотатумангаз" филиали ҳамда республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютга оид жиноятлар ва жи-

## ИСТЕЪДОД

Ситора Тошматова Бекбоаб шахридаги қўрилиш ва коммунал хўжалиги касб-хўнаар коллежининг 1-босқич ўқувчиси. Фанларни аъло даражада ўзлаштириш билан бирга баъдий ижодага қизиқади, жозибдор шеърлар машқ қилади. Ёш ижодкорнинг «Баҳор ифори», «Дунё болалари истаги» номли шеърый тўпламлари нашр этилган.



## ЮРТИМДА ТИНЧЛИКНИНГ МАДҲИ КУЙЛАНАР...

Сиз туфайли бугун Ватаним обод,  
Юртимда тинчликнинг мадҳи куйланар.  
Ҳар инсон хўрликдан мағрур, кўнгли шод,  
Сиз туфайли юртим гулга бурканар.  
Сизга тазвиз қилай мен эғиб бошим,  
Тасаннолар бўлсин, улуг Юртобшим!

Ўзбекистонимизнинг таянчи ҳам Сиз,  
Ёшларнинг тоғдайин суяничи ҳам Сиз,  
Оналар қўзида қувончи ҳам Сиз,  
Буюк истиқболга ишончи ҳам Сиз.  
Сизга тазвиз қилай мен эғиб бошим,  
Тасаннолар бўлсин, улуг Юртобшим!

Сиз туфайли юртимни таниди дунё,  
Ҳар саҳида қўшқ қўйлар Муножот.  
Ўзбегим ёшларин қалбларида жо,  
Озодлик ҳақида куйланган баёт.  
Сизга тазвиз қилай мен эғиб бошим,  
Тасаннолар бўлсин, улуг Юртобшим!

Шундайин гуллаган дийрда яшаб,  
Ўз тилимда битсам жараендор шеърлар.  
Гулдай очилсам-у, яйрасам яшаб,  
Жаннат деҳанлари шўнчалик бўлар.  
Сизга тазвиз қилай мен эғиб бошим,  
Тасаннолар бўлсин, улуг Юртобшим!

Ситора ТОШМАТОВА.

## ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

## ШЛЯПА КИЙГАН ОДАМ

Хизмат сафари билан Тошкентга тушиб, меҳмонхонада бир кун тунашга тўғри келди. Башанг кийинган, басавлат ҳамхонам маданиятли ва кўп нарсани биладиган одамга ўхшарди. Оқшомни ширин суҳбатлашиб ўтказамиз, деб қувондим. Телевизорда "Ахборот" берилётган эди. Халиги одам бир оз сўрамай, меҳмонхона хизматчисини чақирди-да, жангари фильмлар борми, деб сўради. Сабрим чидамай, сўз қотдим:

– Биродар, янгиликлар билан қизиқмайсизми?  
– Э, қизиққанга нима?  
– Бугун Бобур Мирзо туғилган кун эди, махсус дастур намойиши бошланарди.  
– Қайси Бобурни айтаяпсиз?..

Нима дейишни ҳам билмай, ханг-манг бўлиб қолдим. Ҳафсалам пир бўлди-да, газетани кўлга олдим. У энаси қотандай, менга бир қараб қўйди. Шу аснода басавлат, шляпа кийган одамларнинг ҳаммаси ҳам қомил инсонлар бўлавермаслигини тушуниб етдим. Ҳаётда бундай зотларни кўп учратганман.

Туманинг бир раҳбари касби мўҳандис, лекин мафкурарий соҳага масъул этиб тайинланган эди. Газеталардаги юмори тушунмай, хандани "хандалак" деб атаб, айрим таъмагиларни ҳимоя қилишдан нарий ўтмасди. Албатта, бундай одамлар ҳали ҳам бор...

Ҳаётий тажрибадан ҳулосам шуки, келажаги буюк давлатни юксак маънавиятга, чўқур билимга эга, ташаббускор, ғайрат ва шижоатли, истиқболни кўзлаб фикр юратадиган қомил инсонлар яратолади. Юртимизда "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридида мамлакатимиз ифтихорига айланган инсонлар

ҳақида атрофлича мушоҳада юритган. Шу сингари инсонлар Оҳангарон шахри ва туманида ҳам кўп. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мансур Қорахўжаевни ўрта ва кекса авлод вакиллари яхши билишади. У ҳаётини Оҳангароннинг ривожига бағишлади. Пенсияга чиққач, туғилиб ўсган шахри Тошкентда истиқомат қилди. Лекин, Мансур ака умрининг охиригача Оҳангарон ва унинг одамларини кўмсаб, соғиниб яшайди. Эрталаб пастга тушиб, Оҳангарон томонга тикилиб ўтираркан... Тумандан дўстлари кўргани келганида, узоқ кучоқлашиб кўришар, озгина кўзёши ҳам қилиб оларкан. Ҳа, у юқори маданиятли, етук билимли ва тарихни, адабиётни яхши биладиган, гоят камтарин инсон эди.

Ўқимда, рафикаси Муҳайё ая қизини чиқараётганда, Тошкентдаги қариндошларининг уйдан қосапиёла ҳамда лангларни кўча машинасида олиб келатганини кўргандим. Менинг саволимга жавобан ая қилиб қўя қолганди. "Уйимизда бор-йўғи унта қоса, йиғирмата пиёла ҳамда иккита лаган бор", деганди...

Ваҳоланки, Мансур ака кўп вақт туманга раҳбарлик қилган, уша кезлари эса, бинокорлик материаллари саноати техникумининг директори бўлиб ишлар, идиштовки техникумининг хизмат машинасида олиб келса ҳам бўларди...

Бошқа бир аjoyиб юртимиз Тўхтасин Турсуновни ёшларидан яхши биларман. Бу инсон узоқ йиллар Оҳангарон туман санитария-эпидемиология станциясини бошқарди. Ҳамон кечадигайди ёқимда, баъзан кўчада учрашиб қолса, салом-алиқдан сўнг ён чўнтагидан ҳазрат Алишер Навоий ёки Бобур Мирзонинг

ғазал китобларини оларди-да, ўқиб берарди. Сўнг ўзининг ҳам ашъорий тикларини иларди. Касби шифокор бўлган бу инсоннинг тарихга, адабиётга қанқоқчилигини кўпчилик биларди. Тўхтасин ака раҳбарлик лавозимидида узоқ йиллар ишласа ҳам бир умр давлат томонидан берилган кўп қаватли уйнинг бир хонадонидида баҳоли-қудрат яшайди.

"Оҳангароншифер" ҳиссадорлик жамиятида иш бошлаган йилларим бир кун у корхонага келиб, раҳбарнинг қабулида узоқ ўтириб, қизи Фаридахонни "эти сизники, суяги бизники" деб ишга жойлаштиргани эсимда. Тўхтасин акани гойибона билса ҳам корхона раҳбари мендан унинг қимлигини сўради. Тўхтасин ака ўрнида бошқа одам бўлса, ўзининг қимлигини оғиз кўптириб гапирган бўлар ёки кўнгирик қиларди, обрўли лавозимдаги танишларини ишга соларди.

Минг бор шўқри, Оҳангаронда бундай одамлар кўп.

"Албатта, – деб ёзади Юртимизимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридида, – бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар кўпчилики ташкил этади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари тутовкини техникумининг хизмат машинасида олиб келса ҳам бўларди..."

Ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқдаки, бу гаплар исбот талаб қилмайдиган асл ҳақиқатдир.

Озод ХУШНАЗАРОВ.

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

## ШОИР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

"Ёшлик" талабалар шахарчасида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллулига бағишланган "Халқ қабилида яшар асл шоирлар" мавзuida баъдий-муқсий тадбир ўтказилди.

Тадбирда профессор-ўқитувчилар, санъат ва маданият ходимлари, талабалар "Муҳаммад Юсуф ижодини талаба-ёшларга ўргатиш", "Шоир ижодида фольклоризмлар", "Эл суйган ижодкор", "Муҳаммад Юсуф ижодида халқчилик мезонлари" каби мавзуларда маъруза қилинди. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети тала-

балари ҳамда Тошкент маданият коллежи, Глиэр номидаги мусиқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари Муҳаммад Юсуф шеърларидан намуналар ўқиб, шоир ижодига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш этишди.

Эл суйган хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

## ТЕАТРДА ОПЕРА ҲАФТАЛИГИ

Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрида Италия операси халқаро ҳафталиги ўтказилмоқда.

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Италия ва Беларусиянинг мамлакатимиздаги элчионаси ҳамда Ўзбекистон-Италия дўстлик уйи ҳамкорлигида ташкил этилган ҳафталик доирасида халқаро миксдаги опера асарларининг премьераси намойиш этилмоқда.

Ҳафталикда Италия, Беларусия ва мамлакатимизнинг қатор ижодкорлари томонидан тақдим этилган.

"Дон Кихот", "Тоҳир ва Зухра", "Раймонда", "Отелло", "Хумо", "Аида", "Минг бир кеча" каби балет, опера ҳамда спектаклларнинг намойиши санъат илҳомидаридида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталик доирасида Италия ва Беларусия опера усталари билан бирга мамлакатимизда фаолият юритаётган ижодкорларнинг сара санъат асарлари ҳам намойиш этилади. "Туркистон-пресс".

АТИБ Ипотека банк меҳнат бўлими томонидан берилган Ф 430 Чилонзор РЭС ёлланма қасири Хамдамов Ш. томонидан йўқотилган 0402005 шакл № 1981669 дан 1981675 гача қвтанциялар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Общество с ограниченной ответственностью ООО "AZIA DESIGN" (ИНН 206471591, ОКОНХ 15721), зарегистрированное в отделе государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента ЛКВИДИРУЕТСЯ (в соответствии с решением учредителя № 1 от 26.04.2010 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по тел.: 188-74-56.

**akfa**  
PLAST Exclusive

**АКФА**  
пластик ва алюминий  
профиллар  
РОМЛАР, ЭШИКЛАР,  
ВИТРАЖЛАР

Сифати кафолатланган  
Ўрнатиш бепул  
Нархлар бозориникидан арзон

**Т: 466-33-99**

Махсус сертификатланган

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА  
Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Убайдулла  
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий ишлар  
бўлими: 236-55-54.  
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 03-001  
рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва  
билдирувлардаги факт  
ҳамда далилларнинг  
тўғрилиги учун реклама  
ва эълон берувчилар  
масъулдир.

Навбатчи муҳаррир  
Улугбек ҲАМРОҚУЛОВ  
Навбатчи  
Хушнуда ТУРСУНБОВА  
Саҳифаловчи  
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-440.

Адади 9941.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5